

ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК  
БИРЛИКЛАРИ

Абдурахмонов Дилмуроджон Махманазарович

Фарғона давлат университети

**Аннотация;** Ландшафтларнинг морфологик тузилишидаги фарқлар уларнинг табақаланишига сабаб бўлувчи жараёнлар ҳамда ландшафтларнинг ички тузилишидаги ички ҳилма-ҳиллик ва мувофиқлик унинг морфологик тузилиши позиция жойлашуви, геологик-геоморфологик омиллар таъсирида маконий ва вақт кўламида табақаланишлари уларнинг ўзаро боғлиқлиги асосланган.

**Калит сўзлар;** Литологик таркиб, эрозион-денудацион, гетеролит ландшафтлар, делювиал жинслар, пролювиал жинслар, алювиал жинслар, геокимёвий ландшафтлар, Элювиал-делювиал транзит, Элювиал транзит, Алювиал- акулятив, Транзит аккумулятив.

**Аннотация;**Различия в морфологическом строении ландшафтов, процессах, вызывающих их расслоение, а также внутреннее разнообразие и совместимость внутреннего строения ландшафтов, их морфологического строения, позиционного положения, пространственной и временной стратификации под влиянием геолого-геоморфологических факторов основаны на их взаимозависимость.

**Ключевые слово;** Литологический состав, эрозионно-денудационный, гетеролитовые ландшафты, делювиальные породы, пролювиальные породы, аллювиальные породы, геохимические ландшафты, Элювиально-девиальный транзит, Элювиальный транзит, Аллювиально-аккумулятивный, Транзитно-аккумулятивный.

**Annotation;** Differences in the morphological structure of landscapes, processes causing their stratification, as well as the internal diversity and compatibility of the internal structure of landscapes, their morphological structure, positional location, spatial and temporal stratification under the influence of geological and geomorphological factors are based on their interdependence.

**Key words;** Lithological composition, erosion-denudation, heterolithic landscapes, deluvial rocks, proluvial rocks, alluvial rocks, geochemical landscapes, Eluvial-devial transit, Eluvial transit, Alluvial-accumulative, Transit-accumulative.

КИРИШ

Ландшафтларнинг морфологик тузилишидаги фарқлар уларнинг табақаланишига сабаб бўлади. Ландшафтларнинг ички тузилишидаги ички ҳилма-ҳиллик ва мувофиқлик унинг морфологик тузилиши ҳисобланиб

позицион жойлашуви, геологик-геоморфологик омиллар таъсирида маконий ва вақт кўламида табақаланади.

### **АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ**

Ландшафтларнинг морфологик табақаланиши масалалари Г.Ф.Морозов, Я.С.Берг, Я.Г.Раменский, С.В.Калесник, Н.А.Солнцев, А.А.Видина, И.И.Мамайлар томонидан мукамал ўрганилган. Кўпчилик олимларнинг этироф этишига кўра ландшафтларнинг ички яъни морфологик табақаланишида геологик-геоморфологик омиллар асосий ўринни эгаллайди. Айниқса литологик асос етакчи омил сифатида иқлимий, гидрологик омиллар билан биргаликда морфологик тузилмаларда тупроқ ҳосил бўлиши, беоген жараёнларда иштирок этади ва ландшафтларнинг ўзига хос морфологик ярусларини ҳосил қилади. Ландшафтларнинг морфологик табақаланиши унинг структуравий тузилишини ҳосил қилади. В.А.Бакоросовнинг фикрига кўра ландшафтларнинг структуравий тузилишида 3та тип ажратилади: 1.Геокомпонентли (ландшафтларнинг вертикал тузилишига кўра). 2.Моддий- маконий (ифодаларни физик кимёвий ҳолатига кўра) 3.маконий-сиғимли (ландшафтларни вертикал профилига кўра) [-176]

Ландшафтларнинг морфологик табақаланишида, уларнинг ички тузилмаларини иерархик тартибини шакиллантиришда бир қанча илмий методик йўналишлар мавжуд бўлиб, уларнинг ичида Н.А.Гвоздецкий, А.Г.Исаченко ва В.А.Николаевлар томонидан ишлаб чиқилган регионал ва типологик йўналишлар билан бирга Б.Б.Полинов, А.И.Перельман, М.А.Глазовская, И.И.Мамайлар томонидан ишлаб чиқилган геокимёвий ландшафт йўналишлари бугунги кунда энг кўп эътироф этиладиган илмий ишланмалар ҳисобланади.

### **НАТИЖА ВА МУХОКАМАСИ**

Бизнинг фикримизга кўра ландшафтларнинг морфологик бирликларини ажратишдаги қатор қонуниятлар ичида мувофиқлик, ташқи структуралари билан мос келиши ва ички белгилари билан ажралиб туриши каби ҳолатлар ҳам амал қилади. Буларга масалан, морфологик бирликларнинг муайян геометрик фигура (шакил)лар ҳосил қилиши, уларнинг мозаик мутаносиблиги билан бирга ички тафовутларини ҳам ҳисобга олишимиз талаб этилади. Аксарият ҳолатларда тавсия этилаётган классификацион схемаларда ландшафтларнинг морфологик бирликларини ажратишда уларни динамик тизим эканлиги, ҳар қандай морфологик тузилмалар функционал динамик ривожланишда бўлишлигини ҳисобга олиниши зарур. Шунга кўра Н.А.Солнцев (1991) ландшафтларни динамик хосилаларини географик звенолар деб атаган.

Тадқиқот объектими бўлган Фарғона вилоятининг худудида морфологик тузилишига кўра бир хил, лекин позицион жойлашувига кўра хилма хил ландшафтлар ҳосил бўлган.

Фарғона вилоятининг ландшафт тузилмалари ҳам узоқ давом этган геологик-тектоник жараёнлар, иқлимий ва гидрологик омиллар таъсирида шакилланган. Етакчи омил сифатида эса морфологик асос вилоят ландшафтларининг табақаланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Фарғона вилояти худудида ландшафтларнинг морфологик табақаланишида гипсометрик чегаралар нафақат морфолитоген асосни, балки улар ҳосил қилган ландшафт тузилмаларини чегараларни ҳам белгилаб беради. Вилоятнинг Сўх тумани ва Шохимардон қишлоғи анклаф зоналар ҳисобланиб 2000-2500м, гача бўлган ўрта тоғ ландшафт ярусларини ҳосил қилади. Литологик таркибини девон, тошкўмир, бўр даври ётқизиқлари ташкил этади. Геоморфологик жиҳатдан эрозион-денудацион, аккумулятив рельеф шакллари кенг тарқалган, позицион холатига кўра шимолий экспозициялар катта майдонларни эгаллаб 20-30км радиусда тоғ олди зонаси билан туташади. Янги тектоник ҳаракатлар ҳосил қилган рельеф шакллари сурилмалар кўринишида Сўх ва Шохимардонсой дарёларининг ўзанларида чуқур ва тор водийлар тоғ этакларида кенгайиб қайир ва қайирусти терассаларини ҳосил қилган. Тоғ олди зонаси тоғлар билан текисликлар ўртасидаги оралиқ зонани ташкил қилиб алохида-алохида кўтарилган геологик тузилмалардан иборат. Фарғона вилоятининг жанубий қисмида Шўрсув – Қувасой йўналишида тоғ олди зонаси 12-16км. ли радиусда жойлашган баланд адирлар кўринишидаги рельефнинг 5-поғонасидаги паст тоғлар ва адирлар зонасини ташкил этади. Фарғона вилоятининг тоғолди зонаси жануби-ғарбий қисмида Бурганди ва Кампирқоқ тоғлари худудида яққол ифодаланади. Уларнинг баландлиги 1200м. ва ундан ортиқ бўлиб кўпчилик тадқиқотчилар баланд адирлар зонасига киритишади. Литологик таркибини кучли цементлашган конгломератлар охактошлар ташкил этиб юра, бўр, тошкўмир даврининг ётқизиқлари, палеоген даврининг қизил ва сариқ глиналари ландшафтларнинг литоген асосини ташкил этади. Уларнинг таркибида органик ётқизиқларнинг кўплиги денгиз мухитида узоқ вақт қолиб кетганлиги билан боғлиқдир. Ёғин сочин миқдорининг камлиги шароитида арид денудацион жараёнлар кучли нурашни юзага келтиради. Қурилиш материаллари (гипс, асбест, керамзит охактош) ва унча катта бўлмаган нефт ва газ конлари худуднинг қурилиш ва ёқилғи саноати негизида ўзлаштирилишига сабаб бўлган.

Фарғона вилоятининг жанубидан ўраб олган адирлар халқаси алохида морфоландшафтларни ташкил этади. Ғарбдан шарққа қараб Шўрсув, Қапчиғай, Чимён, Қувасой, Арсиф, Толмозор адирлари 500-800м. дан -100-1200м. гача бўлган баланд ва паст адирлар зонасини ташкил қилиб учламчи даврнинг охири ва тўртламчи даврда кўтарилган. Адирлар Фарғона водийси учун типик чўл ландшафтлари ҳисобланиб эрозион-денудацион генезисли дарё ва сойликларнинг геологик фаолияти туфайли кучли парчаланган, инсонлар томонидан кучли ўзлаштирилган боғ-дала типидagi маданий ландшафтлар

ҳисобланади. Ландшафтларнинг морфолитоген асосини тўртламчи даврнинг Сўх ва Тошкент ётқизиқлари ташкил қилиб баланд адирлар конгломератли цементлашган жинслар, шағалли, лёссли жинслар ва алевролитлардан иборат. Қўйи адирлар кўпроқ Тошкент Мирзачўл қатламларидан иборат бўлиб кучсиз цементлашган шағалли жинслар, алевролитлар, юза қисмида қисман лёссли жинслардан ташкил топган. Литоген асоснинг хилма хиллиги туфайли ландшафтларнинг морфологик табақаланиши кучли, гетеролит ландшафтлар мураккаб урочишелар ва фациялар гуруҳини ҳосил қилади.

Фарғона вилояти ландшафтларининг ҳосил бўлиши ва морфологик табақаланишида Сўх, Шохимардон, Исфайрам дарёларининг аҳамияти бутун ҳудуд бўйлаб каттадир. Мазкур дарёларнинг водийлари йўналиши жанубдан шимолга томон давом этиб субмеридионал йўналишда ҳосил бўлган тектоник ёриқларнинг йўналишига мос келади. Шунга кўра дарё ва сойликларнинг морфологияси ҳудуднинг тектоник тузилишига мос равишда флювиал генезисли ландшафтларни қиёфасини шакиллантирган. Дарё ва сойликлар морфологияси антклинал ва синклинал структураларни кесиб ўтиш жараёнида ўзига хос морфоландшафтларни ҳосил қилган. Масалан Сўх дарёси антклинал структураларни кесиб ўтиш жойида чуқур ўзанлар ҳосил қилган. Синклинал структуралар орқали ўтиш жойида эса дарё ўзани кенгайиб, қайир ва террасалар ҳосил қилади, дарё ўзани тармоқларга бўлиниб, қуруқ ўзанлар (шлейфлар) ҳосил бўлган. Конуссимон ёйилмалар Фарғона водийси каби вилоят ҳудудида ҳам ўзига хос ландшафтлар ҳосил қилган. Чунки дарё ва сойликлар адирлар зонасини кесиб ўтиб делювиал, пролювиал ва алювиал жинсларни турли тартибда ётқизган. Шунга кўра конуссимон ёйилмаларнинг юқори, ўрта ва қўйи қисмлари ландшафтларнинг морфологик тузилмалари литологик таркиби, унинг қалинлиги, эгаллаган майдони бўйича фарқланувчи ландшафтлардан ташкил топган. Конуссимон ёйилмалар ва уларнинг ўрталарида, этакларида қия текисликлар жойлашган бўлиб уларни адирлараро ва адир орти қия текисликлари ҳам деб аталади. Уларнинг морфолитоген асосини тўлиқ тўртламчи даврнинг шағалли, гилли, қумоқ, қумлоқ ётқизиқлари ташкил этиб акумулятив жинслар турли қалинликда лекин юза қатламлар бир текисда жойлашганлиги учун ландшафтларни морфологик табақаланишида мураккаблик йўқ. Вертикал табақаланишга нисбатан горизонтал табақаланиш катта майдонларни ташкил этади. Ҳудуднинг тўлиқ ўзлаштирилганлиги қишлоқ хўжалиги, селитеб ва техноген ландшафтлар табиий ландшафтларнинг морфологик тузилишини ўзгартириб юборган.

Фарғона вилояти ҳудудининг Сирдарёгача бўлган шимолий-ғарбий қисмлари, Наманган ва Андижон вилоятларининг Марказий Фарғонага қарашли ҳудудлари билан чегараланган пастқам рельефи, алоҳида дўнг ва дўнг-марза қумли тепаликлардан иборат майдонлари ва уларнинг ландшафт ҳосил қилувчи омиллари янги тектоник ҳаракатлар туфайли Сирдарёнинг эски ўзанини очилиб

қолиши дарёнинг шимол томонга силжиши билан боғлиқдир. Қадимий ўзан Сирдарёдан 30-40км. жануброқдан ўтган бўлиб, унинг қуриши натижасида ўзандаги қумликлар шамол таъсирида кўчиб, катта майдонларга ётқизилган. Сирдарё хозирги ҳолатига нисбатан бирмунча катта ва серсув бўлиб, унинг барча ирмоқлари деярли сувини дарёга қўйган. Бундан тахминан 3000-3500 йил аввал Сирдарёнинг ўзан, қайир ва қайир усти терассалари шакилланган. Шунинг билан бирга Марказий Фарғонага Сўх, Шохимардонсой, Исфайрам дарёларининг конус ёйилмаларининг периферик қисимлари кириб литологик таркибини гилли, қумоқ ва қумлоқ жинслар ташкил қилади. Марказий Фарғонанинг вилоятга тегишли майдонларининг ландшафтларини ҳосил бўлишида гидрогеологик ҳолати ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Дренаж ҳолати оғир ер ости сувларининг вертикал ҳаракати фаол ва горизонтал оқим суст бўлганлиги учун ярим гидроморф ва гидроморф ландшафтлар шакилланган. Қумли майдонларнинг деярли 80% қисми текисланган ва қишлоқ хўжалиги майдонлари ва селитеб ландшафтлар ҳосил қилинган. Бундай жараён кейинги 60-70йил ичида Марказий Фарғона ландшафтларининг динамикасида кучли морфологик ўзгаришларга олиб келди.

(1-жадвал)

**Фарғона вилояти ландшафтларнинг морфологик табақаланиши.**

| л-т<br>т-би | Ландшафтларнинг номи<br>(жой типни кўламида)  | Эгаллаган<br>гипсомет<br>рик<br>холати м | Қиял<br>ик<br>дара<br>жаси<br>граду<br>с | Морфолитоген<br>асос таркиби  | Геокимёвий<br>ландшафт<br>таркиби |
|-------------|---|--|--|---|-----------------------------------|
| I.1<br>4.1  | Эрозион-денудацион<br>кучли парчаланган ўрта<br>тоғларнингтик<br>ёнбағирлари                | 1500-2500                                | 26-36                                    | Гранит сланец<br>оҳактош, кумтош  | Элювиал-<br>транзит               |
| I.2<br>4.2  | Тектоник эрозион<br>денудацион кучли<br>парчаланган рельефли<br>паст тоғлар                 | 1500-2500                                | 16-26                                    | Оҳактош<br>конгломератли<br>кучли<br>цементлашган<br>жинслар              | Элювиал<br>транзит                |
| I.3<br>4.3  | Тектоник эрозион<br>денудацион кучли<br>парчаланган ва<br>емирилган рельефли<br>паст тоғлар | 800-1000                                 | 11-15                                    | Оҳактош<br>конгломерат,<br>қизил ва сарик<br>рангли палеоген<br>глиналари | Элювиал-<br>деювиал<br>транзит    |
| I.4<br>4.4  | Эрозион, эрозион-<br>аккумулятив террасали<br>паст тоғлар                                   | 1000-1500                                | 15-20                                    | Оҳактош, кумтош,<br>конгломератли<br>жинслар                              | Элювиал-<br>деювиал<br>транзит    |
| II.1<br>4.5 | Аралаш шағалли,<br>кумоқли глинали, қия<br>рельефли аккумулятив<br>адир олди текисликлар    | 500-550                                  | 3-5                                      | Шағал глина<br>кумоқ жинслар  | Алювиал-<br>аккумулятив           |
| II.2<br>4.6 | Эрозион-денудацион<br>ўртача ва кучли<br>парчаланган баланд<br>адирлар                      | 800-1000                                 | 15-20                                    | Шағал, лёсс<br>сутлинка<br>алевролитли<br>жинслар                         | Элювиал<br>транзит                |
| II.2a       | Эрозион-денудацион  | 500-600                                  | 5-10                                     | Шағал, лёсс,  | Элювиал                           |

|             |   |         |             |                                      |                     |
|-------------|---|---------|-------------|--------------------------------------|---------------------|
| 4.6a        | кучли парчаланган яси ва паст адирлар   |         |             | алевролит суглинкали жинслар         | транзит             |
| II.3<br>4.7 | Кучсиз парчаланган адирлараро ва адирорти чўкмалари   | 400-500 | 0-1,<br>1.1 | Шағалли, суглинкали лёссимон жинслар | Транзит аккумулятив |
| II.3<br>5.2 | Аккумулятив рельеф кенг таркалган Сирдарёнинг юқори террасаларидаги дўнг ва марза кумли пасткам текисликлар   | 350-400 | 0-1         | Қум-кумок глиналар                   | Транзит аккумулятив |
| II.3<br>5.3 | Конуссимон ёйитмалар ва улар орасидаги пролювиал алювиал аккумулятив текисликлар                              | 350-450 | 0-1,<br>1-3 | Гилли, кумок, кумлок жинслар         | аккумулятив         |
| II.4<br>5.4 | Шўрсув, Сўх дарёларининг конуссимон ёйитмалари юқори ва ўрта қисмлари, курук дельталар                        | 450-500 | 1,1-3       | Тошли, шағалли глинали жинслар       | Транзит аккумулятив |
| II.5<br>5.5 | Марказий Фарғонанинг эррозион аккумулятив рельефли қадимий ўзан ва юқори террасаларининг пасткам текисликлари | 300-400 | 0-1-<br>1,1 | Қум, кумок глинали жинслар           | Транзит аккумулятив |
| II.5.1      | Қадимги кўл-қолдик пасткам рельефли аккумулятив берк котловиналар   | 300-400 | 0,1,0,<br>5 | Қум, кумок глинали жинслар           | Транзит аккумулятив |

Жадвал муаллиф томонидан тузилган

Ландшафтларнинг морфологик табақаланишида морфлитоген асос билан бирга уларнинг гипсометрияси, позицион жойлашуви ва геокимёвий режими муҳим аҳамиятга эгадир. Морфолитоген асоснинг муайян мезорельеф кўринишлари асосида Фарғона вилояти худудида 13та жой типларини ажратдик ва уларнинг 4таси ландшафтларнинг классификацион схемасида ўрта ва паст тоғлар кичик синфларига киритилди. Қиялик даражасининг юқорилиги ёнбағир жараёнларининг интенсивлигини белгилаб беради. Миграцион оқимнинг бир томонлама катенар йўналиши ҳосил бўлади. Шунга кўра геокимёвий ландшафтларнинг элювиал-транзит, элювиал-делювиал-транзит ассоциациялари шакилланган.

Морфологик табақаланишдаги гипсометрик жиҳатдан бир мунча пастда жойлашган эрозион-денудацион генезисли баланд ва паст адирлар жой

типнинг тоғ ва текислик синфлари ўртасидаги оралиқ гуруҳларини ҳосил қилади. Баланд ва паст адирларнинг литологик таркиби деярли таркиби бир хил литоген асосдан иборат, лекин гипсометрик фарқлар, иссиқлик ва намликнинг тақсимланиши, тупроқ ва ўсимлик қопламида бир мунча фарқларни келтириб чиқаради. Баланд адирлар ландшафтларнинг морфологик тузилишига янги тектоник ҳаракатлар кучли таъсир этган. Шунинг билан бирга вилоятнинг жануби-ғарбида жойлашган Шўрсув адирларида қуруқ иқлим, ёғинларнинг камлиги (80мм) ғарбий шамолларнинг таъсирида нураш жараёнлари кучлилиги ландшафтлардаги морфодинамик жараёнларни жадаллашувига сабаб бўлган. Геохимёвий жиҳатдан элювиал-транзит парагенетик тизимлар адирлараро ва адирлар этагидаги текисликлар билан геохимёвий боғланган элювиал ландшафтлардан иборат. Морфодинамик жараёнларга инсонларни аралашуви кучли бўлганлиги сабаб карьер типдаги техноген ландшафтлар майдони кенгайиб бормоқда.

Фарғона вилоятининг маъмурий чегарасидаги барча адирлараро, адир орти текисликлари, конуссимон ёйилмалар ва уларнинг ўртасидаги пастқамликлар морфогенетик жиҳатдан бир ҳил бўлган лекин гидрогеологик режим турлича бўлган аккумулятив, транзит аккумулятив ландшафтларни ҳосил қилади. Ушбу ландшафтлар бта жой типларини ҳосил қилади. Морфодинамик жараёнлар ландшафтларнинг позицион ҳолатига боғлиқ бўлиб юқори позицияда жойлашган элювиал ландшафтлардан миграцион оқимни қабул қилувчан геохимёвий барьер ( лито, педо, беогеохимёвий) лардан ташкил топган. Геохимёвий жиҳатдан транзит-аккумулятив супераквал ландшафтлар ҳисобланади.

### **ХУЛОСАЛАР**

1. Фарғона вилояти ландшафтларининг ҳосил бўлиши, морфологик табақаланишида геологик-тектоник жараёнлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айниқса геоморфологик табақаланиши ландшафтларни вертикал ва горизонтал табақаланишига олиб келган.

2. Фарғона вилояти ландшафтларининг ҳосил бўлиши ва табақаланишида геологик тектоник жараёнлардан ташқари флювиал жараёнлар яъни дарё ва сойликларнинг аҳамияти катта бўлди – Сўх, Исфайрам, Шохимардонсой дарёлари конуссимон ёйилмаларни ҳосил қилди. Адирларнинг кўндаланг кесимларида ўзан жараёнлари эрозион денудацион рельеф кўринишларини ва уларга мос бўлган дарё-водий ландшафтларни ҳосил қилган.

3. Фарғона вилояти худудидаги ландшафтларининг морфологик табақаланишида вертикал ва горизонтал алоқалар урочише ва фацаларни табақаланишида яққол ифодаланган. Бу ҳолат вилоят бўйлаб ўтказилган геохимёвий ландшафт кесмасида ўзига хос тасвирланган.



4. Фарғона вилояти худудидаги ландшафтларининг жой типии кўламидаги 13та ландшафт тоифаларига ажратилди ва уларнинг хар бири морфогенетик, геокимёвий жиҳатдан табақаланди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдурахмонов Д.М. Ўзбекистон География жамияти, 2018. 54-том 36-386
2. Бакоросов В.А. Динамика ландшафта. курс лекции Бел ГУ. Минск 2004г
3. Холиқов Р.Й. Фарғона водийси. Монография Т. Наврўз наширёти 2020-168  
б
4. Холиқов Р.Й. Абдурахмонов Д.М. Ўзбекистон География жамияти, 2018. 52-  
том 37-396